







# ТАЪЛИМ ТИЗИМИ: ЯНГИЛИК ВА ИСЛОҲОТЛАР

Тошкент шаҳридаги Вебстер университети таълим дастурларини амалга ошириш маркази яқинда бир неча янги инновацион хизматлар ва янги фаолият юритиш тизимларини ишга туширди. Бу янгиликлар нафақат университет ходимлари, балки талабаларга ҳам анча қулайликлар яратиб берди.

Жумладан, Тошкент шаҳридаги Вебстер университети талабалар маълумотларининг барчасини бир жойда жамлаш ва уларни киритишни осонлаштириш мақсадида ишга туширган янги UOS (University Online Services: Университет онлайн хизматлари) тизими иш жараёнини қулайлаштириб берди. Бу янги ишланма талабалар маълумотларини "IC" тизимдан автоматик равишда интеграция орқали импорт қилиб олади.

## Нуктаи назар

- Бундан ташқари, мавжуд маълумотларга қўшимча сифатида талабанинг жинси, яшаш жойи ёки ижарада қайси манзилда турганлиги, шунингдек, ота-онаси ҳақидаги маълумотларни киритиш имконияти мавжуд. Шу билан биргаликда, ётоқхонага жойлашган талабаларнинг маълумотлар оморни алоҳида шакллантирилди.
- Умуман, талабаларга яратилган янги қулайликлар уларнинг университетдаги ҳаётларини осонлаштириб берди, дейдиган бўлсак, муболага бўлмайди. Янги хизматлар орқали талабалар қўйдаги имкониятларга эга бўлишди:
  - тўловлари онлайн ҳолатда қўриш;
  - семестр бўйича қардорлигини текшириш;
  - шартнома маълумотлари ва тўловларнинг валюта курси бўйича ҳисобини қўриш;
  - солиқ идораларига тақдим этиладиган ҳужжатни онлайн юклаб олиш;
  - тўлов учун ҳисобварағини кўчириб олиш.
- Айтиб ўтиш жоизки, эндиликда талабаларда ўз шартномаларини онлайн юклаб олиш имконияти пайдо бўлди. Бунинг учун, талаба ўз шахсий рақамини киритиш ва унинг телефонига униквал SMS-хабарнома юборилади. Ушбу хабарда мавжуд бўлган ҳаволани босиш орқали талаба осонликча шартномани бўлади.
- Қолаверса, талабалар шартномаларини юклаб олган вақтида, тизимда шартномаларнинг юборилган ва қабул қилинган вақти, қайси манзил орқали юклаб олинганлиги ҳақида маълумотлар қайд этилади. Талабалар ўшбу жараёни яхшироқ тушуниши ва шартномаларини

аввалгидек "3700" қисқа рақамдан эмас, балки "webster.uz" номи остида келади.

Тошкент шаҳридаги Вебстер университетидаги ходимларнинг фаолият самардорлигини ошириш учун марказда ички ҳужжат алмашинуви, ички назорат тизими, мониторинг ҳисоботи, билдиргилар билан ишлаш каби имкониятларга эга "newtask.webster.uz" тизими йўлга қўйилди. Шунингдек, талабаларнинг муносабатларини қабул қилиш бўйича "muqoatlar.webster.uz" платформаси ўз фаолиятини бошлади. Ушбу платформа ёрдамида талабалар муносабатларига филтрлар қўйиш ёки расмий жавоб қайтариш имкониятлари ишга туширилганлиги муносабатлари қўриб чиқиш жараёни қулайлаштириди.

Юқоридагиларга қўшимча равишда таълим



ларнинг жорий йилда ётоқхонага жойлаштирилиш жараёнида ҳам ўз аксини топган. Талабалар шартнома тўловларини амалга оширганларидан сўнг, "QUALTRICS" тизими орқали талабаларнинг электрон почталарига университет ётоқхонасига қабул бошланганлиги тўғрисида хабар юборилди. Ушбу тизим ёрдамида талабалар юборган аризалар аниқ кетма-кетликда ётоқхона учун саралаб олинди, у инсон омилсиз амалга оширилди. Бу эса, ўз навбатида, шаффофлик ва адолатли саралаш механизмни таъминлади.

Тошкент шаҳридаги Вебстер университети вилоятлардан келган 1-босқич талабаларига кўпроқ ёрдам бериш мақсадида ариза саралаш жараёнида уларга диққат қаратишга ҳаракат қилди. 114 ўрин-

алоҳида аҳамият берилди ва талабалик давриданқ талабалар карьерасини ривожлантириш бўйича координатор (Career Development Coordinator) томонидан йўналиштириб борилади.

Университетда мавжуд таълим йўналишлари аввал бақалавр бўйича 5 та ва магистратура бўйича умумий 2 та дастур бўлган бўлса, бу йилнинг январь ойида магистратура мутахассислигига янги, яъни "Таълим ва инновация бўйича санъат магистри" (MA EDIN) ҳамда "Таълим соҳасида санъат бақалаври" бақалавриати (ВЕД) йўналиши қўшилди.

Айтиш жоизки, бу йўналиш ҳали Ўзбекистоннинг давлат ва нодавлат олий таълим муассасаларида мавжуд эмас, Тошкент шаҳридаги Вебстер университети ушбу таълим йўналишлари очилишида етакчилардан бўлди. Натияжада университетда талабалар учун бақалавр таълим йўналишлари сони 6 тага ва магистратура мутахассислиги 3 тага етди.

Университетдаги янги "Таълим соҳасида санъат бақалаври — Педагогика" бақалавриати (ВЕД) талабаларга замонавий, глобал шароитларда ўқиш учун зарур бўлган кенг қўламли ўқиш услубларини тақдим этади. Ушбу йўналишда таълим олган талабалар келажакда инновацион ва иқтисодий ўқитувчиларга айланади. Ушбу таълим дастури талабаларга кучли мутахассис бўлиб етишишлари асос бўлади ва шу билан бирга уларга мустақил ишлаш орқали ўрганиш кўникмаларини ҳосил қилишда пойдевор бўлиб хизмат қила олади.

Муассасанинг "Таълим ва инновациялар бўйича санъат магистри" (МА) дастури, таълим дизайни ва инновациялари бўйича билим, кўника ва иқтисодий қўбиланликлари ривожлантиришга қаратилган. Дастурнинг фойдали жиҳатлари жамоат, бизнес ва ташкилот раҳбарлари, шунингдек, ўқитувчилар ва бошқа мутахассислар учун жуда қулай. Ушбу таълим дастурида талабалар реал ҳаётдаги муаммоларни ҳал қилиш ва ўзгаришлар жараёнини бошқариш учун керакли бўлган жамоавий иш ва ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиради.

АҚШ таълим тизимига асосланган Тошкент шаҳридаги Вебстер университети ҳам таълим бериш жараёнида АҚШ кўникмаларига таянади. Биз яхши билимлик, АҚШ ўқув тизимининг бошқа давлатларидан фарқи, у фақат назарий билимга эмас, балки амалий кўникмаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади.



ли ётоқхонанинг қарийб 75 фоиз қисми 1-босқич талабалари учун ажратилди. 2022 йил 22 август санасида ўқув йили бошланганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, тахминан 95 фоиз талаба 1 сентябрь санасигача ётоқхонага жойлашди. Бугунги кунда айтиш мумкинки, талабалар тураржойидаги ўринлар 100 фоиз банд қилинган ва жами 114 та ётоқхонадаги талабаларнинг 37 нафари қизлар ва 77 таси ўғил болаларни ташкил этади.

Тошкент шаҳридаги Вебстер университети таълим тизимини таъминлаган талабалар халқаро даражада тан олинган АҚШ дипломининг қўлга киритади, бу эса улар учун катта имкониятлар эшигини очди. Олийоҳ би-тиривчиларини иш билан таъминлашга

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, уларнинг бу тизими натижасида АҚШ дунё бўйлаб таълим соҳасида етакчилик қилади ва у ерда саводхонлик даражаси 99 фоизни ташкил этади. Уларнинг таърибаси самарали эканлиги ва АҚШ таълим учун бошқа давлатлар орасида энг кўп молиявий чиқим қилиши ҳақида сир эмас. Улар ўқув тизимидеги бундай сифатли таълимни Урта Осиёда биринчи АҚШ университети ҳисобланган Тошкент шаҳридаги Вебстер университетидан олишингиз мумкин.

**Шерзод МАМАТОВ,**  
Тошкент шаҳридаги Вебстер университети Таълим дастурларини амалга ошириш маркази директори ўринбосари.

## Шуқуқ

# ЮКСАҚ ВА ШАРАФЛИ БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

Мамлакатимизда талаба-ёшларни ўқитиш ва малакали кадрлар тайёрлаш сифати тубдан ислоҳ қилинди, десак, муболага бўлмайди. Зеро, кейинги йилларда олий таълим тизимига қаратилган улкан эътибор ана шундай эзгу мақсадлар рўйбега хизмат қилаётир.



Ташкил этилганга 90 йил тўлган Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтида ўтган давр мобайнида қанчадан-қанча талабалар раҳнаиб олиб, бугунги кунда Ватанимиз таълим йўлида самарали меҳнат қилмоқда.

Аниқ мисоллар билан айтидиган бўлсак, ушбу таълим муассасаси ўз фаолияти давомида 58 минг нафардан зиёд юқори малакали мутахассислар, шу жумладан, йигирмага яқин хорижий мамлакатларга 800 нафар олий таълим муассасасидаги талаба ва магистратура бўйича умумий 2 та дастур бўлган бўлса, бу йилнинг январь ойида магистратура мутахассислигига янги, яъни "Таълим ва инновация бўйича санъат магистри" (MA EDIN) ҳамда "Таълим соҳасида санъат бақалаври" бақалавриати (ВЕД) йўналиши қўшилди.

Айтиш жоизки, бу йўналиш ҳали Ўзбекистоннинг давлат ва нодавлат олий таълим муассасаларида мавжуд эмас, Тошкент шаҳридаги Вебстер университети ушбу таълим йўналишлари очилишида етакчилардан бўлди. Натияжада университетда талабалар учун бақалавр таълим йўналишлари сони 6 тага ва магистратура мутахассислиги 3 тага етди.

Университетдаги янги "Таълим соҳасида санъат бақалаври — Педагогика" бақалавриати (ВЕД) талабаларга замонавий, глобал шароитларда ўқиш учун зарур бўлган кенг қўламли ўқиш услубларини тақдим этади. Ушбу йўналишда таълим олган талабалар келажакда инновацион ва иқтисодий ўқитувчиларга айланади. Ушбу таълим дастури талабаларга кучли мутахассис бўлиб етишишлари асос бўлади ва шу билан бирга уларга мустақил ишлаш орқали ўрганиш кўникмаларини ҳосил қилишда пойдевор бўлиб хизмат қила олади.

Муассасанинг "Таълим ва инновациялар бўйича санъат магистри" (МА) дастури, таълим дизайни ва инновациялари бўйича билим, кўника ва иқтисодий қўбиланликлари ривожлантиришга қаратилган. Дастурнинг фойдали жиҳатлари жамоат, бизнес ва ташкилот раҳбарлари, шунингдек, ўқитувчилар ва бошқа мутахассислар учун жуда қулай. Ушбу таълим дастурида талабалар реал ҳаётдаги муаммоларни ҳал қилиш ва ўзгаришлар жараёнини бошқариш учун керакли бўлган жамоавий иш ва ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиради.

АҚШ таълим тизимига асосланган Тошкент шаҳридаги Вебстер университети ҳам таълим бериш жараёнида АҚШ кўникмаларига таянади. Биз яхши билимлик, АҚШ ўқув тизимининг бошқа давлатларидан фарқи, у фақат назарий билимга эмас, балки амалий кўникмаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади.

ларнинг 48 та турдош олий ўқув юрти билан мустаҳкам алоқалар ўрнатди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, пойтахтимиздаги 5-халқаро тўқимачилик ҳафталиги доирасида шу йилнинг 13 октябры кун Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ташкил этилганга 90 йил тўлиши муносабати билан тантанали тадбир уюштирилган барчага ўзига қайфият бағишлади.

Унда мамлакатимизнинг турли давлат ва жамоат ташкилотларида фаолият юритаётган собиқ битирувчилар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мутахассислари, хорижий ҳамкорлар, Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси, "Ўзтўқимачилик саноат" ва "Ўзарманоат" уюшмалари, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси масъуллари, пахта тозалаш, тўқимачилик, энгил, матбаа ҳамда қоғоз саноати корхоналари вакиллари, дизайнерлар, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ходимлари қатнашди.

Институт ректори, Савдо-саноат палатаси раиси Даврон Ваҳобов йилги намуналарини ушбу сана билан қўтар экан, мазкур тадбир таълим муассасасининг ўтган шонли тўқсон йил давомида эришган ютуқларини сарҳисоб қилиш, илмий фаолияти билан кенг жамоатчиликни таништириш ҳамда пахта тозалаш, тўқимачилик, энгил, матбаа ва қоғоз саноати таълим йўналишларида таҳсил олувчи ёшларда ўз олий ўқув юртига ишрибатан муҳаббат туйғусини янада оширишни алоҳида қайд этди. Мазнан барқарор ва етук мутахассисларни тайёрлаш бундан буён ҳам институт жамоасининг шарафли бурчи бўлиб қолавериши таъкидланди.

Шунингдек, Халқаро тўқимачилик академиясининг академиги, 15 йил давомида шу институт ректори лавозимда самарали фаолият кўрсатган Халима-хон Алимова тадбир иштирокчиларини юбилей билан муборакбод этиб, олий ўқув юрти тарихи, бугунги ҳамда истикболи тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Франциянинг Париж мода академиясининг президенти Жан-Филип Воклер эса институт жамоасини қизгин табриклар баробарида, ўзaro кўшма таълим дастури доирасидаги ҳамкорликни янада такомиллаштириш бўйича таклифларини баён этди.

Тадбир доирасида институтнинг Костюм дизайни кафедраси профессор-ўқитувчилари ва талабалари, шунингдек, "Нео трикотаж", "Нил-гранит" ишлаб чиқариш корхоналари томонидан яратилган либослар кўргазмаси ҳам ўтказилди. Таълим муассасасининг шонли 90 йил давомида эришган ютуқлари, моддий-техника базасини янада такомиллаштиришга бағишланган ҳужжатли фильм намойиши этилди.

Юбилей тадбирида меҳнат фаришлари қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

**Абдусатор АБДУҒАФФОРОВ,**  
Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти доценти.



юклаб олишларини осонлаштириш мақсадида янги хизматлардан фойдаланиш бўйича видео қўламанма ҳам тайёрланди.

Яна бир муҳим жиҳати "IP telefoniya" тизими орқали Call-марказ хизмати ишга туширилди. Бу хизмат орқали талабалар ва ота-оналар ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича муносабат қилишлари мумкин. SMS-хабарномалар эса эндиликда

лабаларнинг муассасасига киришида талабаланинг тасдиқловчи "QR Code Check" тизими йўлга қўйилганлигини айтиб ўтиш жоиз. Бу тизим орқали талабанинг тўлов, вакцинация ва 16 га тўлмаганлик ҳолатлари бўйича маълумот олиш мумкин.

Тошкент шаҳридаги Вебстер университети доим талабалар учун қулайликлар яратишга ҳаракат қилади ва бу талаба-

# ТИНИМСИЗ ИЗЛАНИШ, БАНК ИШОНЧИ — МУВАФФАҚИЯТИМИЗ АСОСИ

Президентимиз томонидан 2019 йил 20 февралда "Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилингандан буён юртимизда тармоқни бошқариш тизимининг самарадорлиги ошди.

## Молия муассасаларида

Хусусан, илғор технологияларга асосланган ва маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлашга қаратилган қўллаб-қўллай лойиҳалар шакллантирилиб, улар босқичма-босқич ишга туширилмоқда. Натияжада кейинги йилларда тармоқда сифатли, арзон, энергиятежамкор бўлган инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар сони сезиларли даражада ортди.

Зангиота туманида фаолият юритувчи "Asia polyplast" жамияти ишлаб чиқараётган полипропилен ва полиэтилендан қувурлар, фитинглар ҳамда турли рўзгор буюмлари сифати, дизайни ва кўркамлиги билан қисқа даврда ўз харидорларини топди.

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ томонидан "Asia polyplast" масъулия текланган жамиятида ташкил этилган пресс-турда оммавий ахборот воситалари вакиллари корхонанинг ишлаб чиқариш қувватидан тортиб, уни буортмачилар ва истеъмолчиларга етказиб беришга ча бўлган барча жараён билан яқиндан таништирилди. Айтиш жоизки, бугунги кунда бу ерда халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган 600 турга яқин пластмас-

са маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

— Полипропилен ва полиэтилен маҳсулотларига қўйилган биринчи талаб — улар ўта мустаҳкам, узоқ йилга бардош ва эластик хусусиятларга эга бўлиши лозим, — дейди "Asia polyplast" МЧЖ раҳбари Умид Абулов. — Биз бошда-

ноқ ишлаб чиқаришни ана шу стандартлар асосида йўлга қўйдик. Бунда дунё пешкадамларидан бўлган туркиялик мутахассислардан тажриба орттирдик, хомашё борасида ҳам маҳаллий, ҳам Жанубий Корея маҳсулотларини танладик. Тинимсиз изланишлар, ҳар жабҳада қилинган тўғри танлов ва албатта, ҳамкорлик масаласида банк ишончи фаолиятимиз ривожидида муҳим омил бўлди.

"Asia polyplast" корхонасига "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ томонидан 11,6 млн. доллар ҳажмида кредит ажратилди. Ушбу маблағлар ҳисобига Италия, Германия, Хитой ва Туркия давлатларидан полипропилен, полиэтилен ва поливинилхлорид қувурлар ҳамда турли фитинглар ишлаб чиқарувчи илғор технологиялар келтириб ўрнатилди.

Корхонанинг ишлаб чиқариш жараёни замонавий технологик ускуналар асосида тўлиқ автоматлаштирилган. Янги лойиҳа иш бошлаши билан яна 40 нафарга яқин иш ўринлари яратилди.

Бугунги кунда "Asia polyplast" томонидан йилга 112,5 млрд. сўмлик 5 миллион метр квадрат полимер материаллардан маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Шундан 670 минг

500 долларлик қисми қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда.

— Бизнинг соҳада синов-лаборатория ишлари жуда муҳим, — дейди Умид Абулов. — Маҳсулотларимизнинг халқаро андозаларга жавоб беришини корхонамиз негизидида ташкил этилган замонавий ва сертифициланган лаборатория маркази фаолияти қамқолатиб беради. Доимий мониторинг ишлари орқали эса асосий сортиментни янгилаб бориш ва сифатни бир маромда ушлашга эришаемиз.

Маълумот ўрнида айтиш керак, "Asia polyplast" полипропилен ва полиэтилен қувурлари ҳамда фитинг

маҳсулотларининг яроқлилик муддати 50 йилгача. Улардан фойдаланиш соддалаштирилган бўлиб, оғир ускуналарга эҳтиёж сезилмайди. Асосийси, бу, истеъмолчилар харажатларини сезиларли даражада тежайди.

Пресс-тур давомида журналистлар корхонанинг рўзгор буюмларини ишлаб чиқариш цехидаги иш жараёнини ҳам кўздан кечириди.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 1048. 13 882 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет ускунада босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетанинг таълим маълумотлари юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таърихиятга келган қўбемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзга берилши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таърихият компьютер марказида термил ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
**100000,**  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.  
Муасхих — Ш. Машраббев.

**"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.** Корхона манзили: Буок Турон кўчаси, 41. Ўза яқини — 21.25

Гопширилди — 23.00

1 2 3 4 5 6